

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

МАРДОНОВ МАМЕД ШАВКАТОВИЧ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Мардонов Мамед Шавкатович

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини
такомиллаштириш.....3

Мардонов Мамед Шавкатович

Совершенствование учета инновационной деятельности предприятий в
условиях цифровой экономики.....27

Mardonov Mamed Shavkatovich

Improving accounting of innovative activities of enterprises in the conditions of the
digital economy.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

МАРДОНОВ МАМЕД ШАВКАТОВИЧ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1600 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Уразов Комил Бахрамович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ризаев Нурбек Кадиорович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Маматкулов Муроджон Шукурович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» 03 кuni соат 11³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислom Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1116 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислom Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» 03 кuni тарқатилди.
(2022 йил «17» 03 даги 6 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т.Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор


С.К.Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда тўртинчи саноат инқилобининг тўлқини мамлакатларни технологиялар ва инновацияларни ўз чегаралари ичида ва ташқарисида мослашишга, ривожлантиришга ҳамда тарқатишга мажбур қилмоқда. Инновацион фаолият барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсиш, жамият ва давлатларнинг умумий фаровонлиги учун асосий омил ҳисобланади. OECD ҳисоботида кўра, “инновациялар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий циклнинг фазасига қараб, иқтисодий ўсишнинг катта қисмини, одатда, ялпи ички маҳсулот ўсишининг 50% ини ташкил қилмоқда”¹. Шунингдек, дунё иқтисодиёти ривожланиш тенденциялари таҳлили инновацион фаолиятни ривожлантириш долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, ҳозирда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро амалиётида инновацион фаолият ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатида тан олинишига ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини халқаро стандартлар талаблари ҳамда умумэътироф этилган тадқиқот натижалари асосида ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолаш барча мамлакатлар ҳисоб тизими учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Халқаро амалиётда корхоналар инновацион фаолияти, унга сарф қилинган харажатларни капиталлаштириш, молиялаштириш, ушбу фаолият натижаларини тан олиш, баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, инновацион фаолият ва инновацион маҳсулот ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш ва молиявий ҳисоботларнинг ахборот бериш имкониятларини очиб бериш каби жиҳатлар замонавий илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш яқин йилларда ва келгусида республикамизда ҳал қилинадиган энг устувор вазифалардан биридир. Ушбу устувор вазифани адо этиш хўжалик юритувчи субъектлар олдида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз миқдорларини кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш, пировард натижада олинадиган фойдани янада кўпайтиришга имкон берувчи инновацион фаолият билан ҳам шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда. Инновацион фаолиятни ривожлантириш заруратлари ушбу фаолият ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатларини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, инновацион фаолият хўжалик юритувчи субъектларнинг муҳим фаолият тури сифатида тан олинганлигига

¹ OECD Science, Technology and Industry Outlook. OECD (2020)

қарамасдан, ушбу фаолиятнинг хусусиятлари, унга доир сарфларни капиталлаштириш ёки харажатлар сифатида ҳисобдан чиқаришнинг инвесторлар талабларига жавоб берувчи услубияти тўлиғича яратилмасдан қолмоқда. Мазкур муаммоларни мавжудлиги тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ-630-сон “Инновацион фаолият тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорида ҳамда шу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АҚШ, Буюк Британия, Россиялик олимлардан Р.Либби, Р.Х.Ҳермансон, Б.Нидлз, Г.Р.Файзрахманова, М.Портер, Г.Бонд, Ж.Фагерберг, П.Драккер, Ж.Вулдридж, И.Киселева, А.Трамова, Т.Гетерстенд ва бошқалар² инновацион фаолиятнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи, тавсифи, тан олиниши, баҳоланиши ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг методологик масалаларини; Б.Лев, Т.Соугианнис, С.Кохари, Т.Лагуерре, А.Леонелар³ инновацион фаолиятга доир харажатларни капиталлаштириш масалаларини, П.Хелли, Д.Чемберс,

² Libby, Robert. Financial accounting / Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Irwin, Printed in USA, 1996. 848 p.; Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 2004. 926 p.; Б.Нидлз и др. Принципы бухгалтерского учета/Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл. –М.:Финансы и статистика.2003.-496с.; Файзрахманова Г.Р. Развитие учетно-аналитического обеспечения инновационной деятельности организации: Автореферат диссертации ... кандидата экономических наук: 08.00.12. - Йошкар-ола, 2011.-142с.; Porter, M., Bond, G.C.: Innovative Capacity and Prosperity. The Global Competitiveness Report. World Economic Forum, Geneva (1999); Fagerberg, J. (2006). Innovation: A guide to literature. In J. Fagerberg, D. C. Mowery, & R. R. Nelson (Eds.), The Oxford handbook of innovation (pp. 1–27). Oxford: Oxford University Press. Drucker, P. F. (1998). The discipline of innovation. Harvard Business Review, 76(6), 149–157.; Wooldridge J. M. Introducción a la econometría. Un enfoque moderno: un enfoque moderno. – Editorial Paraninfo, 2006. Kiseleva, I.A., Tramova, A.M.: Innovative strategy of the development of the industrial complexes as a condition for sustainable economic growth. Reg. Econ. Theory Pract. 1(328), 2–9 (2014); Hegerstrand, T.: Diffusion of innovation as a spatial process, Moscow 1993. -245с.

³Lev B., Sougiannis T. (1996). The capitalization, amortization, and value-relevance of R&D. Journal of Accounting and Economics, 21 (1), 107-138.; Kothari, S. P., Laguerre T. E., & Leone, A. J. (2002). Capitalization versus expensing: evidence on the uncertainty of future earnings from capital expenditures versus R&D outlays. Review of Accounting Studies, 7 (4), 355-382.

К.Аҳмед ва Д.Асвалдлар⁴ инновацион фаолият ҳисобида МҲХСларни қўллаш масалаларини тадқиқ этганлар.

Корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини такомиллаштиришда мамлакатимиз олимларидан Н.Б.Абдусаломова, А.З.Авлокулов, К.Б.Ахмеджанов, А.И.Аликулов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Б.Ю.Мақсудов, М.К.Пардаев, А.Х.Пардаев, Б.И.Исроилов, Р.О.Холбеков, Н.К.Ризаев, С.Н.Ташназаров, З.Қ.Хурозов, К.Б.Уразов, Б.А.Хасанов, И.Н.Қўзиев, Б.К.Ҳамдамов, К.Р.Ҳотамов, З.А.Муқумов, М.Э.Пўлатов, И.Р.Давлетов, О.Т.Нурматовларнинг⁵ илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, ушбу манбаларда келтирилган фикр ва мулоҳазалар ҳозирги шароитда юзага келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга тўлиқ имкон бермайди. Чунончи, инновацион фаолият, унга сарфланаётган маблағлар, инновацион маҳсулотни тан олиш, баҳолаш, инновацион фаолият ва маҳсулотларни пул бирлигида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим бўлган кўрсаткичлар тизими ҳамда фаолиятга сарфларни капиталлаштириш ва харажатлар сифатида ҳисобдан чиқаришнинг услубияти ҳозиргача тўлиқ

⁴ Healy, P. M., Myers, S. C., & Howe, C. D. (2002). R&D accounting and the tradeoff between relevance and objectivity. *Journal of Accounting Research*, 40 (3), 677-710.; Chambers, D., Jennings, R., & Thompson, R. B. (2003). Managerial discretion and accounting for research and development costs. *Journal of Accounting, Auditing & Finance*, 18 (1), 79- 113.; Ahmed, K., & Falk, H. (2006). The value relevance of management's research and development reporting choice: evidence from Australia. *Journal of Accounting and Public Policy*, 25 (3), 231-264.; Oswald, D. R. (2008). The determinants and value relevance of the choice of accounting for research and development expenditures in the United Kingdom. *Journal of Business Finance & Accounting*, 35 (1-2), 1-24.

⁵Н.Б.Абдусаломова. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 75-б.; А.З.Авлокулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 71-б.; К.Б.Ахмеджанов. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2016. 42-б.; А.И.Аликулов. Modern trends in development of cotton production and processing chain in Uzbekistan. // *Perspectives of Innovations, Economics and Business*, PIEB 6.3 (2010): 75-79 б.; А.К.Ибрагимов., А.А.Каримов. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. -143 б.; Б.Ю.Мақсудов. Замонавий бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришдаги роли // *Иқтисодиёт ва таълим*, 2012. №3. -1-8-б.; М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. -Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Иқтисод-Молия”. 2019 й. -538 б.; Б.И.Исроилов, Р.О.Холбеков. Бухгалтерия ҳисоби назарияси.-Т.: Тафаккур, 2020. – 592 бет.; Н.К.Ризаев Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш методологияси, Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Т.: 2019. 71-б.; С.Н.Ташназаров. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш: иқтисод фан.док... дисс. автореф. – Т., 2019. 71-б.; З.Қ.Хурозов Инновацион молиялаштиришнинг назарий жиҳатлари // *Иқтисод ва молия* журнали. №11, 2015; К.Б.Уразов. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. - Т.: Фан, 2005. -236 б.; Хасанов Б.А. ва бошқалар. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2019.; И.Н.Қўзиев. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2017. -70 б.; Б.К.Ҳамдамов. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. -172 б.; К.Р.Ҳотамов. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Монография. -Т: Молия, 2016. -168 б.; З.А.Муқумов. Инновацион фаолият харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари («Ўзнефтегазмаш» АК корхоналари мисолида). Монография.-Т.:Fan va texnologiya, 2013. - 154 бет.; М.Э.Пўлатов. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2017. -71б.; И.Р.Давлетов. Аграр соҳада интеллектуал мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2018. -42б.; О.Т.Нурматов. Номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш услубиёти. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2020.-42б.

яратилган, деб бўлмайди. Республикамизда инновацион фаолиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили масалалари чоп этилган дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда етарлича ўз аксини топмаган. Буларнинг барчаси мазкур диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг тадқиқот амалга ошириладиган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалининг “Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновацион фаолият ва инновацион маҳсулот тушунчаларининг талқини ва ҳисоб объекти сифатидаги тавсифини очиб бериш;

корхоналар инновацион фаолияти ва унинг натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни тан олиш ва баҳолаш тартибларини такомиллаштириш;

корхоналар инновацион фаолияти ҳисоби негизида ётувчи принциплар ва уларга амал қилиш шартларини асослаш;

корхоналар инновацион фаолиятни ташкил этивчи жараёнлар ва инновацион маҳсулот ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

корхоналар инновацион фаолиятининг молиялаштириш манбалари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг корхоналар инновацион фаолияти бўйича ахборот бериш имкониятларини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

корхоналар инновацион фаолият кўрсаткичларини эконометрик модел асосида эмпирик таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг таъсир кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда уларни 2025 йилгача прогнозлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион фаолият билан шуғулланадиган иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳа субъектлари, жумладан Навоий кон металлургия комбинати ва Самарқанд дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини инновацион фаолият, инновацион маҳсулот, унга оид харажатлар, ҳисоб-китоблар, шунингдек улар ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, эмпирик таҳлил қилишда

“тасодикий таъсир” (random effect), башоратлашда тренд (trend) модели ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхоналарда инновацион фаолиятга оид сарфлар, уларни молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборотларни инвесторлар ва бошқа фойдаланувчиларга капиталлашган ва капиталлашмаган инновациялар кесимларида тизимли тақдим этиш имконини берувчи 2410-«Инновацион фаолиятга доир сарфлар», 0870-«Инновацион фаолият билан боғлиқ капитал қўйилмалар», 8850-«Инновацион фаолиятни мақсадли молиялаштириш», 8920-«Инновацион фаолият учун резерв» счётларини очиш таклиф этилган;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг инвестиция фаолияти бўлимининг 090-сатридаги “Инвестиция фаолиятининг бошқа пул тушумлари ва тўловлари” бандини 091-сатрига тушириб, 090-сатрга “Инновацион фаолиятнинг пул тушумлари ва тўловлари” бандини киритиш тавсия этилган;

корхоналарда инновацион фаолият кўрсаткичини яратилган инновациялар сонига қараб эмас, инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг корхона фойдасидаги улуши бўйича аниқлаш таклиф этилган;

инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар олиб борадиган субъектлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида инновацион маҳсулот, иш, хизматларнинг ҳажмини ўсишининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқаро ва миллий тажрибаларга асосланган ҳолда “капиталлашадиган инновация” ва “капиталлашмайдиган инновация” тушунчаларига таърифлар берилган, ушбу тушунчаларнинг бухгалтерия ҳисобида муҳим аҳамият касб этувчи мезонлари бўйича таснифи ишлаб чиқилган;

корхоналарда инновацион фаолиятни миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичларни “инновацион жараён – бухгалтерия ҳисоби – иқтисодий таҳлил” занжири асосида ташкил этиш, ахборот бериш ва таҳлил қилиш модели ишлаб чиқилган;

инновацион фаолият ривожланишининг “инновацион маҳсулотлар яратилиши”, “ишлаб чиқаришга жорий этилиши” ва “иқтисодиётда тарқалиши”нинг таъсирини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимлаштирилган;

корхоналар инновацион фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобини 8850-«Инновацион фаолиятни мақсадли молиялаштириш», 8920-«Инновацион фаолият учун резерв» счётларида тизимли юритиш орқали молиявий ҳисобот шакллари инновацион фаолиятни молиялаштириш тўғрисида ахборот бериш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усул ва ёндашувларнинг халқаро миқёсда тан олинганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва статистик маълумотларининг расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотларнинг тасдиқланган молиявий ва статистик ҳисоботларидан олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инновацион фаолият ҳисобини такомиллаштиришда фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда яратилган илмий ишланмалар корхоналар инновацион фаолиятини ҳисоб ва ҳисоботда ақс эттиришнинг илмий-амалий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга имкон беради. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган тавсияларни жорий этилиши корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга, унинг натижалари тўғрисидаги ахборотлар шаффофлигини оширишга имконият яратади.

Диссертация ишидан олий таълим муассасалари ўқув режаларида кўзда тутилган «Бухгалтерия ҳисоби назарияси», «Молиявий ҳисобга кириш», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби», «Бухгалтерия молиявий ҳисоби» ҳамда «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» ва «Молиявий ҳисобот таҳлили» фанларини ўқитишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

корхоналарда инновацион фаолиятга оид сарфлар, уларни молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборотларни инвесторлар ва бошқа фойдаланувчиларга капиталлашган ва капиталлашмаган инновациялар кесимларида тизимли тақдим этиш имконини берувчи 2410-«Инновацион фаолиятга доир сарфлар», 0870-«Инновацион фаолият билан боғлиқ капитал қўйилмалар», 8850-«Инновацион фаолиятни мақсадли молиялаштириш», 8920-«Инновацион фаолият учун резерв» счётларини очиш тавсия этилган ҳамда уларни юритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартилари 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 54-банди ва 11-сон БҲМС «Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар»нинг 24-банди талабларидан келиб чиқиб “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2021 йил 26 январдаги 14-сон бўйруғи билан жамият фаолиятига жорий қилинган (“Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 20 сентябрдаги 263/3-02-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни жорий этилиши натижасида “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатининг таркибий элементлари бўлган ишчи счётлар режаси такомиллаштирилган, чунончи уларга инновацион фаолиятга доир харажатлар, инновацион фаолият билан боғлиқ капитал қўйилмалар ва инновацион фаолиятни мақсадли молиялаштириш, шунингдек инновацион фаолият резерви учун мўлжалланган янги счётлар киритилган ҳамда уларни юритиш тартиблари белгиланган. Бу амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ва улар натижалари тўғрисида тизимли ахборотларни олиш, шунингдек 1-инновацион шакли (йиллик) “Инновацион фаолият тўғрисида” давлат статистика ҳисоботини тўлдириш имкониятларини ошишига, бухгалтерия хизмати ходимларининг ушбу ишларга кетадиган меҳнат сарфини сезиларли даражада камайишига имкон берган;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг инвестиция фаолияти бўлимининг 090-сатридаги “Инвестиция фаолиятининг бошқа пул тушумлари ва тўловлари” бандини 091-сатрига тушириб, 090-сатрни “Инновацион фаолиятнинг пул тушумлари ва тўловлари” деб қўшимча киритиш бўйича таклифи “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 26 январдаги 14-сон бўйруғи билан жамият фаолиятига жорий қилинган. (“Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 20 сентябрдаги 263/3-02-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни акциядорлик жамиятининг пул оқимлари тўғрисидаги ички ҳисоботига киритилиши инновацион фаолиятнинг пул оқимларини очиқ берган ҳамда ушбу фаолият бўйича пул оқимларини баҳолаш ва назорат қилишни осонлаштирган;

корхоналарда инновацион фаоллик кўрсаткичини яратилган инновациялар сонига қараб эмас, инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг корхона фойдасидаги улуши бўйича аниқлаш таклифи Навоий кон-металлургия комбинати Бош директорининг 2018 йил 5 февралдаги 117-сон буйруғи ҳамда “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2021 йил 26 январдаги 14-сон бўйруғи билан Навоий кон-металлургия комбинати ва “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 21 октябрдаги 04-01-02/10225-сон, “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 20 сентябрдаги 263/3-02-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф корхоналарда инновацион фаоллик кўрсаткичларини уч гуруҳга: ишлаб чиқариш, жорий этиш ва тарқатиш имкониятлари бўйича тақсимланган. Инновацион фаолият натижаларини тақсимлаш орқали бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари, яъни харажатлар, сотиш ва фойда орқали баҳолаш корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасини баҳолаш ҳамда назоратини кучайтиришга хизмат қилган;

инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар олиб борадиган субъектлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида инновацион маҳсулот, иш, хизматларнинг ҳажмини ўсишининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар Навоий кон-металлургия комбинати ва “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 21 октябрдаги 04-01-02/10225-сон маълумотномаси ва “Самарқанд дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 20 сентябрдаги 263/3-02-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар корхоналарда инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришда замонавий бюджетлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларини қўллаш асосида Комбинат бош директорининг 2018 йил 5 февралдаги 117-сон буйруғи билан тасдиқланган “Навоий кон-металлургия комбинатининг 2026 йилгача мўлжалланган Инновацион фаолият тўғрисида”ги дастурига киритилган инновацион лойиҳаларни прогнозлаштиришга, улар бўйича ижобий ва салбий ҳолатларга баҳо бериш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 3 та республика, 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги Диссертация иши мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, миллий журналларда 5 та, хорижий журналларда 3 та илмий мақола, илмий-амалий конференция тўпламларида эса 9 та маъруза тезислари, шунингдек, 1 монографияда илмий-услубий тавсияларда жой олган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ўз таркибига кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни олган. Диссертация ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар инновацион фаолияти ҳисобининг илмий-назарий асослари»** номли биринчи бобида инновацион фаолият ва инновацион маҳсулот тушунчаларининг талқини ва ҳисоб объекти сифатидаги тавсифи, корхоналар инновацион фаолияти ва унинг натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни тан олиш, баҳолаш масалалари ҳамда корхоналар инновацион фаолияти ҳисоби негизида ётувчи тамойиллар, шунингдек уларга амал қилиш шартлари тадқиқ этилган.

Изланишлар шуни кўрсатдики, инновацион фаолиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш билан боғлиқ масалалар республикамизда етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Бу инновацияларни ўлчашдаги қийинчиликлар ва инновацион фаолиятдаги ўзгаришларни ошқор қилиш бўйича тажрибаларни етарлича эмаслиги билан боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисобига оид адабиётларнинг аксарияти инновацион фаолиятнинг якуний натижаларини ўрганмасдан, уларни қандай қилиб баҳолаш ва илмий-тадқиқот ишларини ошқор қилишнинг қўшимча маълумотларига қаратади. Бироқ, Канодия ва Сапра таъкидлаганидек⁶ "Инновацион фаолиятнинг молиявий ҳисоботида акс эттиришда ҳақиқий самарасини мавжуд стандартларда белгилаш келажакда бухгалтерия тадқиқотлари учун катта таъсир кўрсатади. Фикримизча, бухгалтерлар томонидан корхоналарнинг инновацион фаолиятга оид иқтисодий операцияларини ўлчаш ва молиявий ҳисоботида ошқор

⁶ Kanodia, C., and Sapra, H., 2016. A real effects perspective to accounting measurement and disclosure: implications and insights for future research. *Journal of Accounting Research*, 54 (2), 623–676.

қилишлари кенгайса, капитал бозорига босқичма-босқич маълумот берувчи ҳар қандай маълумотни тарқатишни тезлашувига хизмат қилади.

Сўнги йилларда республикада инновацион фаоллик бўйича сезиларли даражада ўсиш кузатилган. Чунончи, 2020 йилда 2016 йилга нисбатан мамлакатимизда технологик ва маркетинг инновациялар мос равишда 120,8% ва 296,0%га, ташкилий инновациялар эса 97%га яъни 39 тадан 77 тага ошган. (1-жадвал).

1-жадвал

Республика миқёсида инновацион фаоллик бўйича кўрсаткичлар⁷

№	Турлари	Йиллар					2020 йил 2016 йилга нисбатан ўсиш %да
		2016й	2017й	2018й	2019й	2020й	
1	Технологик инновациялар сони	1816	1946	2482	4427	4011	220,8
	шундан:						
1.1	маҳсулот бўйича инновациялар сони	1118	1372	1578	3543	3017	269,8
1.2	жараёнлар бўйича инновациялар сони	698	574	904	884	994	142,4
2	Маркетинг инновациялари сони	51	62	42	128	202	396,0
3	Ташкилий инновациялар сони	39	38	34	13	77	197,4

Навоий кон-металлургия комбинати республикада кенг кўламли инновацион фаолиятни олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлардан биридир. Чунончи, комбинат бош директорининг 2018 йил 5 февралдаги 117-сон буйруғи билан “Навоий кон-металлургия комбинатининг 2026 йилгача бўлган даврдаги инновацион фаолият дастури” қабул қилинган. Дастурда олтин ва уран каби қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва экспорт маҳсулотларини ҳажмини кенгайтириш учун 2026 йилгача 105 та инновацион лойиҳа қуйидаги 13 та соҳа бўйича амалга ошириш кўзда тутилган. 2018 йилда комбинатда жами 26 105 миллион, 2019 йилда 29 710,3 миллион, 2020 йилда 33 735 миллион сўмлик ишлар бажарилган. Энг кўп инновацион лойиҳалар тоғ-кон ишларида бажарилган бўлиб, сўнги 4 йилда 67050 млн сўмни, энг кам маблағ транспорт логистикаси учун 70 млн сўмни ташкил этган. Корхонада юқорида қайд этилган лойиҳалардан эришилган иқтисодий самарадорлик 478 413 млн сўмни ташкил этган (2-жадвалга қаранг). 2020 йилда комбинатда инновацион фаолиятга сарф қилинган харажатларнинг капиталлашмаган қисми 18 817,3 млн сўмни ташкил этиб, шундан 76.3%и ёки 14349 млн сўми илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун қилинган харажатлар, янги турдаги хом-ашё ва материалларга сарфлар 1724,8 млн сўм ёки 9.2% ни, ихтиролар учун муаллифларга ҳақ тўлаш

⁷ “Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият” статистик тўплам маълумоти. Тошкент – 2021.

1456,4 млн сўми, тематик партиялар учун қилинган харажатлар 1070,9 млн сўми ёки 5.7% ини ташкил қилган.

2-жадвал

Навий кон металлургия комбинатида инновацион лойиҳалар ва уларнинг қийматлари тўғрисида маълумот⁸

№	Фаолият соҳалари бўйича инновацион лойиҳалар	Инновацион лойиҳалар сони								Лойиҳаларнинг жами қиймати (млн сўм)	Қутилаётган иқтисодий самара (млн сўм) (млн сўм)
		2018		2019		2020		2021			
		Жами	шундан янги лойиҳалар	Жами	шундан янги лойиҳалар	Жами	шундан янги лойиҳалар	Жами	шундан янги лойиҳалар		
1	Геология ишлари	8	5	5	3	5	2	7	2	49205	72544
2	Тоғ-кон ишлари	17	5	15	7	17	8	20	6	67050	97060
3	Олтинни қайта ишлаш ва бойитиш	10	6	11	6	9	4	17	8	20650	126767
4	Уран ишлаб чиқариш	5	2	2	1	4	2	4	2	560	2550
5	Минералларни комплекс қайта ишлаш	4	2	3	1	4	2	4	2	10900	66415
6	Транспорт	2	1	4	2	5	2	5		70	1010
7	Машинасозлик ва металлургия	11	8	4	2	8	7	2	1	10385	28157
8	Энергия	8	6	6	2	6	4	7	3	11854	56065
9	Автоматлаштириш ва АКТ	4	2	5	1	3	2	4	1	279	1240
10	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги	2	-	2	-	1	-	2	1	238	325
11	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	4	2	1	-	1	1	1	-	640	4505
12	Қишлоқ хўжалиги	6	3	-	-	-	-	3	3	16825	21775
13	Ходимларни соғлиғини сақлаш бўйича	-	-	-	-	1	1	-	-	100	-
	Жами	81	46	58	25	64	35	76	29	188756	478413

Инновацион фаолият кўрсаткичларини баҳолаш ва аниқлаш ҳозирги пайтда энг долзарб масаладир. Ишимизда инновацион фаолиятни баҳолаш негизда ётувчи кўрсаткичлар инновацияларни ривожлантириш жараёнининг босқичларига қараб уч гуруҳ кесимида (ажратиш, жорий этиш, тарқатиш) тизимлаштирилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ишлаб чиқилган иқтисодий тизимнинг инновацион фаолияти кўрсаткичларини инновацион ривожланиш босқичлари ўртасида тақсимлаш⁹

Инновацион ривожланиш	Расмий ҳисоботдаги инновацион натижалар
-----------------------	---

⁸ НКМК нинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

босқичлари	
<i>Инновацион йўналиш</i>	
Инновацияларни яратиш	Илмий-тадқиқот харажатлари ошиши
	Инновацион фаолиятни ривожлантириш учун тижорат кредитлари миқдорининг кўпайиши
	Инновацион фаолият учун инвестиция фондлари ҳажмининг ўсиши
	Инновацион компаниялар учун солиқ имтиёзларини бериш
	Технополислар ва технопарклар сонининг ўсиши
	Бир миллион кишига ишлаб чикувчилар (тадқиқотчилар) сонининг кўпайиши
	Илмий ва тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган ўқитувчилар ва талабалар улушининг ўсиши
Илмий тадқиқот ташкилотлари сонининг кўпайиши	
<i>Инновацион фаолият самарадорлиги</i>	
Инновацияларни жорий этиш	Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига берилган патентлар сонининг ўсиши
	Товарлар турини, иш турларини, хизматларни кенгайтириш
	Товарлар, ишлар, хизматлар сифатини ошириш
	Эскирган маҳсулотлар ва жиҳозларни алмаштириш
	Анъанавий савдо бозорларини сақлаб қолиш
Янги савдо бозорларини очиш ва кенгайтириш	
<i>Инновацион таъсирчанлик</i>	
Инновацияларни тарқалиши	Иш билан бандликнинг кўпайиши
	Ишлаб чиқариш мослашувчанлигини ошириш
	Ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши
	Ишлаб чиқаришда инсон омилини камайтириш
	Моддий харажатларни камайтириш
	Ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш (пасайиш энергия манбаларини истеъмол қилиш ёки йўқотиш)
	Меҳнат шароитлари ва хавфсизлигини яхшилаш
	Мижозлар ёки етказиб берувчилар билан алоқа қилиш вақтини қисқартириш
	Ташкилот ичида ёки бошқа ташкилотлар билан алоқани яхшилаш
	Атроф муҳит ифлосланишини камайтириш
Замонавий техник регламентлар, қоидалар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш	

Инновацион жараён субъектлар фаолияти ва инновацион фаолиятнинг кутилаётган натижаларини акс эттирувчи эконометрик ўзгарувчиларни қиёсий баҳолаш вазифасини ҳал қилишга имкон беради. Инновацион жараённинг иқтисодий натижасини аниқлашга имкон берадиган шаклланган асосий модел, бухгалтерия ҳисоби ўзгарувчилари ёрдамида ҳисобланган ҳамда қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланган:

$$\begin{cases} P + \Delta P = (Q + \Delta Q) - (CD + \Delta CD) - (CM + \Delta CM) \\ Q + \Delta Q = (QN + \Delta QN) \times (p + \Delta p) + QPL \\ CD + \Delta CD = (PN + \Delta PN) \times (c + \Delta c) - (CP + \Delta CP) \end{cases} \quad (1)^{10}$$

¹⁰ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бу ерда,

$P, \Delta P$ - корхона (ташкilot) фойдаси, унинг инновацион фаолияти натижасида ўсиш (кўрсаткичнинг динамик ўзгариши (Δ)); $Q, \Delta Q$ - субъектнинг даромади (даромади), унинг инновацион фаолияти натижасида даромаднинг кўпайиши; $CD, \Delta CD$ - корхонанинг тўғридан-тўғри харажатлари, унинг инновацион фаолияти натижасида ишлаб чиқариш фаолиятининг тўғридан-тўғри харажатларини камайтириш; $CM, \Delta CM$ - хўжалик юритувчи субъектнинг кўшимча (билвосита) харажатлари (маъмурий, умумхўжалик, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар), унинг инновацион фаолияти натижасида фаолиятнинг кўшимча харажатларини камайтириш; $QN, \Delta QN$ - маҳсулот сотиш ҳажми, инновацион фаолият натижасида сотиш ҳажмининг ўсиши; $p, \Delta p$ - маҳсулот нархи, нархларнинг ўсиши, бу инновацион фаолият натижасида эришилган рақобатбардошликнинг ўсиши билан боғлиқ; QPL - илмий тадқиқотлар натижаларини (патентлар, лицензиялар, франчайзалар, ноу-хаулар) амалга оширишдан олинган даромадлар ва фойда миқдори; $PN, \Delta PN$ - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, инновацион фаолият натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши; $c, \Delta c$ - маҳсулот бирлигига тўғри келадиган маҳсулот таннархи нархи, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш; $CP, \Delta CP$ - ишлаб чиқариш фаолияти субъектининг доимий харажатлари, инновацион фаолиятни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқариш фаолиятининг тўғридан-тўғри харажатларини камайтириш.

Инновацион фаолиятни баҳолаш моделида учта ўзгарувчи кўрсатилган: сотиш, харажатлар ва фойда. Бу субъектнинг инновацион ривожланиши натижаларининг учта ўзгарувчисини ташкил қилган. Ҳар бир гуруҳ ўзгарувчиси кўрсаткичлар билан ифодаланган, бу эса ўз навбатида иқтисодий тизимнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ўзгариши асосланган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолият натижаларини ишлаб чиқариш, жорий этиш ва амалга ошириш қобилияти сифатида тушуниладиган инновацион фаолият корхонанинг бухгалтерия ҳисоби (сотиш, харажатлар, фойда) кўрсаткичлари орқали баҳоланган.

Тадқиқот ишининг «**Корхоналар инновацион фаолияти ва унинг натижалари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш масалалари**» номли иккинчи боби корхоналар инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар ва инновацион маҳсулот ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, корхоналарда инновацион фаолиятни режалаштириш, уларга доир харажатлар ҳисоби ва яратилган инновацион маҳсулотни ҳисобга олиш тартиби ва корхоналар инновацион фаолияти молиялаштириш манбалари ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган.

Республикада инвестицион муҳитни яхшилаш хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш орқали халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, инновацион иқтисодиётни “илм-фан-амалиёт” моделида қуриш ҳамда корхоналарнинг инновацион фаолият билан шуғулланишини талаб этмоқда. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик

ишларини олиб бориш учун маълум миқдордаги сарфларни доимий амалга оширишни ва улар ҳисобини юритишни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Инновацион фаолиятни ҳисобга олиш қоидалари мамлакатимизда 11-сон БҲМС “Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик”да, халқаро миқёсда эса 38-сон МҲХС (IAS) "Номоддий активлар"да ёритилган. Гарчи, 38-сон МҲХС корхоналарга тажриба конструкторлик ишлари харажатларини капиталлаштиришга, тасдиқлаш жараёнининг ўзига хос субъективлиги раҳбариятга мазкур стандарт шартлари бажарилганлиги тўғрисида қарор қабул қилишда ихтиёрийликни таъминлашга имкон берсада, амалиётда ҳисобот даврида харажат сифатида акс эттириш ҳолатлари ёки асосий ишлаб чиқариш счётига олиб бориш ҳолатлари учраб турибди.

Инновацион фаолият, унинг таркиби қисми бўлган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига қилинган сарф-харажатлар ҳисоби бўйича дунё ва юртимиз олимлари томонидан қўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. АҚШда ўтказилган эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Б.Лев ва Т.Соугиннис¹¹, Д.Чемберс ва бошқалар¹² илмий-тадқиқот ишларига қилинган харажатларни капиталлаштириш корхоналар бозор қийматини реаллигини оширади деб таъкидлайди. 38-сон МҲХС 54-бандига кўра, инновацион фаолиятга қирадиган илмий тадқиқот ишларига сарфлара, агар улар маълум мезонларга жавоб берганда капиталлаштирилади. АҚШнинг умум қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари (GAAP) бўйича дастурий таъминот яратишга сарфланган илмий тадқиқот харажатларидан ташқари бошқа харажатлар ижобий натижа тақдим этилмагунга қадар капиталлашувига рухсат берилмайди¹³. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, илмий-тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишланмаларга сарфланган маблағларни капиталлаштириш инвесторлар учун муҳим маълумотни беради.

Австралияда илмий ғояни илмий-тадқиқот ишлари билан таққослаш учун тажрибаларда илмий-тадқиқот ишларига сарф қилинган харажатларни харажат сифатида тан олиш ёки капиталлаштириш корхона ихтиёрига қолдирилган, бунинг натижасида корхоналарда харажатларни капиталлаштириш кўпайиб бораётганлиги аниқланган¹⁴. Буюк Британияда ҳам илмий-тадқиқот ишларини капиталлаштириш ёки харажат сифатида акс эттириш бўйича илмий изланишларда унга қилинган сарфлар маълум мезон ставкалари бўйича капиталлаштириш таклиф этилган¹⁵.

Ишимизда инновациялар уларга қилинадиган сарфларнинг актив ва харажатлар сифатида тан олинишига кўра капиталлашадиган ва капиталлашмайдиган инновацияларга ажратилди, шунингдек ушбу

¹¹ Lev, B., & Sougiannis, T. (1996). The capitalization, amortization, and value-relevance of R&D. *Journal of Accounting and Economics*, 21 (1), 107-138.

¹² Chambers, D., Jennings, R., & Thompson, R. B. (2003). Managerial discretion and accounting for research and development costs. *Journal of Accounting, Auditing & Finance*, 18 (1), 79- 113.

¹³ Kothari, S. P., Laguerre, T. E., & Leone, A. J. (2002). Capitalization versus expensing: evidence on the uncertainty of future earnings from capital expenditures versus R&D outlays. *Review of Accounting Studies*, 7 (4), 355-382.

¹⁴ Ahmed, K., & Falk, H. (2006). The value relevance of management's research and development reporting choice: evidence from Australia. *Journal of Accounting and Public Policy*, 25 (3), 231-264.

¹⁵ Oswald, D. R. (2008). The determinants and value relevance of the choice of accounting for research and development expenditures in the United Kingdom. *Journal of Business Finance & Accounting*, 35 (1-2), 1-24.

тушунчаларга улар тўғрисида аниқ тасаввурни беришга имкон берувчи куйидагича таърифлар берилди:

Капиталлашадиган инновация – бу инновацион фаолият натижасида яратилган моддий ёки номоддий кўринишдаги активлар.

Капиталлашмайдиган инновация – бу инновацион фаолиятга сарфланган, бироқ аниқ яратилган моддий ва номоддий актив қиймати сифатида тан олинмаган харажатлар.

Диссертация ишида корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини 38-сон МҲХСда белгиланган тартибларга мувофиқ юритилишини таъминлаш мақсадида ишончлилик, мослашувчанлик ва башоратлаш принципларини қўллаш лозимлиги асосланди.

Фикримизча, харажатларни тўғри ҳисобга олиш нуқтаи-назаридан инновацион фаолиятни куйидаги уч турга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Муайян лойиҳага ишора қилмайдиган тадқиқотлар, сўровномалар ва тажрибалар. Ушбу турдаги фаолият одатда компаниянинг умумий манфаати учун амалга оширилади (масалан, бозорни ўрганиш, янгилаш ва ҳ.к).

2. Асосий тадқиқотлар – бу муайян лойиҳаларга тегишли бўлган тадқиқотлар, сўровлар ва тажрибалар.

3. Тажиба конструкторлик ишлари – бу тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришдан олдинги маълум материаллар, асбоблар, маҳсулотлар ва жараёнларга татбиқ этиш.

Муайян лойиҳага ишора қилмайдиган ва дастурий таъминот яратиш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларидан ташқари бошқа асосий тадқиқотлар учун харажатлар ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида тан олинishi керак.

Бизнинг фикримизча, корхоналар инновацион фаолиятининг мазмун-моҳиятидан, уни пировард натижа бериш ёки бермаслик эҳтимоли ҳамда келажакка йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу фаолиятни жараён сифатида ҳамда унга қилинган сарф-харажатлар ҳисоби учун 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”га махсус 2410-“Инновацион фаолиятга доир харажатлар” счётлар тизимини киритиш лозим. Ушбу счётлар тизимида инновацион фаолиятнинг аниқ турларини куйидаги счётларда юритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

2411- “Илмий (илмий-тадқиқот) ишлар” счёти

2412-“Фундаментал илмий тадқиқотлар” счёти

2413-“Амалий илмий тадқиқотлар” счёти

2414-“Илмий-техник ишлар” счёти

2415-“Экспериментал ишланмалар ва тажиба-конструкторлик ишлар” счёти.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳақида реал ахборотларни олиш ва улар тўғрисида инвесторлар учун зарур бўлган ҳисоботни тузиш қийинлиги сабабли баъзан имконсиз бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, биз 8850-“Инновацион фаолиятни мақсадли молиялаштириш” счётида давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан инновацион фаолиятни молиялаштиришни, 8920-“Инновацион фаолият учун резерв” счётида эса

корхонанинг соф фойдасидан резерв ажратишни ҳисобга олиш учун счётларни очишни таклиф этамиз. Ушбу счётларни корхоналарда инновацион фаолиятни ўзи ташкил қилганда ёки тендер асосида бошқа корхонларда бажарилганда қуйидагича тартибларда юритиш тавсия этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Инновацион фаолиятга доир операцияларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши¹⁶

Операция мазмуни	Корхонада бажарилганда		Тендер асосида бажарилганда	
	Дт	Кт	Дт	Кт
Инновацион фаолият учун соф фойдадан резерв ажратилганда	8710	8920	8710	8920
Инновацион фаолият учун молиялаштириш маблағлари олинганда	5110	8850	5110	8850
Инновацион маҳсулот олиш жараёни	2410	1010, 6710, 6510, 6010	0870, 4410	6010
Инновацион маҳсулотга доир харажатлар қопланганда	6710, 6520, 6010	5110	6010	5110
Инновацион маҳсулот кирим қилинганда	1000, 2800 0870	2410	0100, 0400 2800	0870
Мақсадли молиялаштириш счётларини ёпилишига	8850	8530	8850	8530

Шунингдек, инновацион фаолиятга доир харажатларни капиталлаштириш ёки харажат сифатида акс эттириш учун 0870 - “Инновацион фаолият билан боғлиқ капитал қуйилмалар” счётини очиш, корхонада бажарилган ёки тендер асосида амалган оширилган инновацион лойиҳаларнинг натижаси актив сифатида тан олиниб, капиталлашганда 0100- “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар”, 0400- “Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар” ва 2800- “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар”га ўтказишни, агар бошқа корхона томонидан бажарилган инновацион фаолиятга доир илмий-тадқиқот ишлари бажарилганда 9430- “Бошқа операцион харажатлар счёти”, 8920- “Инновацион фаолият учун резерв” счётлари орқали харажат сифатида ҳисобдан чиқаришни тавсия қиламиз.

¹⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Диссертациянинг «Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар инновацион фаолияти ва унинг натижалари бўйича молиявий ҳисоботларнинг ахборот бериш имкониятларини кенгаштириш йўллари» номли учинчи бобида корхоналарда инновацион фаолият кўрсаткичларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳисоботларда очиб бериш йўллари, инновацион фаолият кўрсаткичларини статистик ҳисоботларда очиб бериш тартиби ва инновацион фаолият ривожлантиришини сўнги 5 йиллик статистик маълумотлар асосида эмпирик таҳлили асосланган.

МҲХС бўйича сегмент маълумотлари баланс моддалари, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот учун ошкор қилинади. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни сегментлар бўйича ошкор қилиш тавсия этилади, аммо талаб қилинмайди. «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»да инновацион фаолиятни молиялаштириш учун жалб қилинган маблағлар, лойиҳа доирасида олинган пул тушумлари ва трансферт оқимлари (инновацион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилган жорий фаолиятнинг пул оқимлари) акс эттирилмаган. Натижада нисбатан катта лойиҳалар учун ҳам инновацион фаолиятнинг пул оқимларини таҳлил қилиш имкониятлари сезиларли даражада чекланиб қолган.

Ахборотни ошкор қилиш йўналишларини белгилашдан олдин унинг мумкин бўлган шакллари таққослаш ва чекловларни аниқлаш лозим. Инновацион фаолият ва инновацион сегментлар тўғрисида қўшимча маълумотларни тақдим этишнинг иккита варианты мавжуд: 1) молиявий ҳисоботларда қўшимча кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш; 2) молиявий ҳисоботга изоҳлар ва тушунтиришлар очиб бериш. Молиявий ҳисобот шакллари инновацион фаолият тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишнинг 2-вариантини назарда тутади. 1-вариант ташқи фойдаланувчиларга энг тўлиқ маълумотни тақдим этсада, инновацион фаолият кўрсаткичлари очиб бермайди. 2-вариант ҳисобот маълумотларини тақдим этишда батафсиллик ва равшанлик ўртасидаги зарурий мувозанатни таъминлайди, аммо бу ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларга тушунтиришлар тайёрлашнинг маълум бир даражада субъективлиги билан боғлиқ бўлган ахборот имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда.

